


Бугунги ёшлар эртанинг эгаларидир



Эли обод Бекобод

Бахтсизликка бир қадам



Ўзгаларни эмас, ўз болангизни ўйланг!



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Муҳаммад ЮСУФ,  
Ўзбекистон халқ шоири

*Мен таъзим қиламан бугдой пойига,  
Ҳали ҳеч кимса-ку бошим эзмаган.  
Одамлар бор, ахир, туққан жойига,  
Бир бошоқ бугдойча нафи тегмаган.  
Чўқсин қошингизга тоғлар, қоялар,  
Сиз бунга лойиқсиз бугдойпоялар.*

*Андижон дейсизми ё Самарқандир,  
Қандай ўзбек бўлса, уйда тандир.  
Шоирлар юртимас, кимдир айтгандек,  
Аслида, бу диёр деҳқон — Ватандир.*

*Сизда жами ҳикмат ва ҳимоялар,  
Сиз зўр машойихсиз бугдойпоялар.*

*Тинчлик қандай улур!  
Тинчлик қандай соз!  
Мен сўз уммонида ношуд бир ғаввос.  
Қорним тўқ, устим бут, яна нима дей,  
Бир бор қошингизга бош эгдим, холос.  
Асли минг қуллуққа арзир доялар,  
Бугдойпояларим, бугдойпоялар!*



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

### ФИДОЙИЛИК ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташқилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

Юртимизда кенг нишонланаётган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда шулар ҳусусида сўз юритилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ҳам бу ўз ифодасини топди. Унга вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, матбаачилар, faxрий журналистлар, олий ўқув юртлири журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқув эшиттирди.



### Ушбу сонда:

Нега ёшлар алоҳида яшашни афзал кўришади? .....	3
«Дунон»нинг маъноси... қизиқ! .....	4
Касалликдан уялманг, аксинча, ўзингиз уяласиз! .....	5
Аққиз маркаларида ўзгаришлар бор .....	5
Чехияга бораман, деб чув тушганлар .....	6
Яқин қариндошлар учун имтиёзлар .....	7
Хунар ўрганган аёлнинг «хунар»и .....	7

## ФИДОЙИЛИК ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғулломов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич рағбат топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унга яқин кунун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбага чиқариш, ахборотнинг муҳофазаси қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим қадрлар бўлиб хизмат қилмоқда. Бир

қатор кунун ҳужжатларининг бугунги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларининг янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислохотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда суний йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Соҳа ривожий йўлида кўрсатилган гамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзиде босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар ошди. Мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканаллар, веб-сайтларнинг эса 86 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда ашайдиган миқдор ва элатларнинг етти тилида фаоллият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида

миллий оммавий ахборот воситалари учун янада кенг имкониятлар очилди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтиришда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Йилгилишда сўзга чиққанлар миллий оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатилгани учун Президентимиз Исрол Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2010" танлови ғолибларини эълон қилади:

### Танлов ғолиблари:

**Александр АКИМОВ** – "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари таҳририяти мухбири (Навоий вилояти) – Вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларга бағишланган туркум мақолалари учун

**Фаррух БЎТАЕВ** – "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири – Мамлакатимизда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид таҳлилий материаллари учун

**Меҳрибон МАМЕТОВА** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги "ЎЗА"нинг Республика ахбороти таҳририяти шарҳловчиси – Ўзбекистондаги ислохотларнинг самараларини аҳолининг кенг қатламлари ва халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган мақолалари ва интернет sahifalaridaги материаллари учун

**Баҳодир МУСАЕВ** – "Дарё" газетаси муҳаррири (Қашқадарё вилояти) – Вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ислохотларни кенг ёритган туркум мақолалари учун

**Турғунбой НОРКУЛОВ** – "Сирдарё ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири ўринбосари – Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги мавзусидаги ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган мақолалари учун

**Ариухан ТУРЕКЕЕВА** – "Қарақалпақстан жаслари" газетаси масъул котиби – "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросига ҳамда юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ижодий ишлари учун

**Абдурозик ТЕРАЛИМОВ** – ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" инфомацион дастурлар бош муҳарририяти мухбири – Юртимизда юз бераётган воқеаларни ва халқаро қўламдаги муҳим тадбирларни тезкорлик билан ёритгани учун

**Дилфуза ШОМАЛИКОВА** – "Гунча" журнали бош муҳаррири – Болалар спортини ривожлантиришга оид туркум мақолалари учун

**Баҳодир ЭШБЕКОВ** – Самарқанд вилояти телерадиоканалиси телекураторлар муҳаррири – Халқаро терроризм, диний экстремизм ва одам савдосига қарши кураш масалаларига бағишланган материаллари учун

**Умида ҚҶШОҚОВА** – Ўзбекистон

электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли "Шарқ" телевидениеси мухбири (Наманган вилояти) – Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига оид ҳамда миллий қадриятларни ва анъаналарни тарғиб қилишга бағишланган кўрсатувлари учун

### Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбат- лантирувчи мукофотиغا сазovor бўлдилар:

**Иномжон АБДИЕВ** – "Хуррият" мустақил газетаси бўлим муҳаррири  
**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ** (Тошкент вилояти) – Уртачирчиқ тумани ҳокимлиги нашри – "Машъал" газетаси бўлим мудири  
**Маҳиёрахон БОЙБОБОВА** – Фарғона давлат университети филология факультети талабаси

**Сайёра БЎРОНОВА** (Жиззах вилояти) – Вилоят телерадиоканалиси бўлим мудири

**Элёр ГЎРЎҒЛИЕВ** – Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли "Ишонч" телевидениеси бош муҳаррири

**Дилфуза ЗАРИПОВА** (Сурхондарё вилояти) – "Сурхон тонги" газетаси мухбири (интернет-журналистика)

**Меҳри МУСТАНОВА** – "Ёшлар" телерадиоканалиси "Давр" инфомацион радиодастурлар муҳарририяти муҳаррири  
**Муҳайё МУХТОРОВА** – "Аёл қалби" газетаси бош муҳаррири

**Зухра РАМАЗОНОВА** (Бухоро вилояти) – Вилоят телерадиоканалиси телекўрсатувлар муҳаррири

**Қадамбой САЛАЕВ** (Хоразм вилояти) – Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ** – "Адолат" газетаси мухбири

**Ўткирбек УМАРОВ** – "Диёнат" газетаси бурлашган таҳририятининг жамоатчи мухбири

**Нарғизахон ЭШОНОВА** (Андижон вилояти) – Вилоят телерадиоканалиси телекўрсатувлар катта муҳаррири

**Темур ҚҶРБОНБОВ** – "Маънавият" нашриётининг жамоатчи фотомухбири

**Жамила ҲАЙДАТОВА** – "Соғлом авлод" газетаси таҳририяти МҶД директори ўринбосари

Истиқлолнинг илк санаси – 1991 йил 20 ноябрда "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Уша вақтлардаёқ муҳтарам Президентимиз «Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим, мадад – ўсиб келаётган ёшлардир», дея келажак авлодга алоҳида эътибор кўрсатган эди. Бу сўзларнинг исботи ўлароқ ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, истеъод ва имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш устувор вазифаларимиздан бирига айланди.

Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини ташкил этадиган 18 ёшгача бўлганлар, яъни болаларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш борасида ҳам жаҳон андозаларига ҳамоҳанг тарзда иш олиб боришмоқда. Хусусан, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган "Бола

ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилинади. Шунингдек, болалар меҳнатидан ишлаш шароити ноқулай ишларда, ер ости ва бошқа оғир ишларда фойдаланишига йўл қўйилмайди. Ўз навбатида, улар учун меҳнат шароити яратишда махсус имтиёзлар берилган. Ўн

## Бугунги ёшлар эртанинг эгаларидир



ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциянинг моҳияти ва юксак мақсади миллий қончилигимизда тўлиқ ўз аксини топган. Ушбу халқаро ҳужжат республикамизда 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда 2008 йил 4 апрелда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 1973 йил 26 июнь 58-сессиясида қабул қилинган "Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида"ги конвенция, 2008 йил 8 апрелда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 1999 йил 17 июнь 87-сессиясида қабул қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлинич чоралар тўғрисида"ги конвенция ратификация қилинган.

Меҳнат кодексининг 77-моддасида болаларни ишга қабул қилиш ёши халқаро меъёрларга мос равишда белгилаб қўйилган. Юртимизда 16 ёшда ишлаш учун рўхсат берилди. 15 ёшга тўлган болалар эса ота-онанинг ёзма розилиги асосида ишга олиниши мумкин. Бунда болалар иқтисодий эксплуатациядан, соғлиги учун ҳавф-хатар етказиш мумкин бўлган, таълим олишига тўсқинлик қиладиган, соғлиги, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва

саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофазаси қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар. Хусусан, уларга қисқартирилган иш вақти муддати татбиқ этилади, узайтирилган таътиллари берилди, тунги, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Меҳнат кодексининг 242-моддасига биноан, иш вақтининг муддати 16 дан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15 дан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Буларнинг барчасидан бир ҳулосага келиш мумкин, мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари қонуний томондан кафолатланган. Бундай кафолатлар ҳаётда ўз ифодасини топиши эса ҳар биримизнинг ўз зиммामиздаги жиддий вазифаларни қай даражада масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

**Махсум ОРТҚИҚОВА,**  
Миробод тумани 5-сонли давлат  
нотариал идораси нотариуси.

Бекобод истиқлол шарофати туфайли кўз ўнгимизда улкан sanoat худуди сифатида гавдаланганидан бўлди. Шаҳардаги улкан sanoat корхоналари, ишлаб чиқариш муассасалари мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўқтомирлардан десак муболага бўлмайди. Йигирма йил давомида мазкур индустрия объекти қайта жиҳозланиб, замонавий тус олди. Устига устак, ушбу жабхаларда янги технология билимларни пухта ўзлаштирган, интеллектуал салоҳияти баланд ўзбек ёшлари фаолият юритишмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг самараси ўлароқ, шаҳар ва туман ёшлари коллежни битириб, Бекобод металлургия заводи, цемент комбинати, темир-бетон, кум-шағал, гишт ва пахта заводларида меҳнат фаолиятини бошлаб юборишмоқда. Бу эса, биринчидан, ишлаб чиқариш муассасаларида ходимлар тақчиллигининг олдини олишда қўл келаятган бўлса, иккинчидан, туман ва шаҳар ёшлари орасида ишсизликни бартараф этишнинг қулай йўли бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мен бу йил коллежни директор-пайвандчи мутахассислиги бўйича битирдим, — дейди Хуршид Бурхонов биз билан суҳбатда. — Яқинда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида Бекобод металлургия заводини ишга қабул қилиндим...

Дарвоқе, тумандаги Бекобод сут ва non заводлари, Далварзин пахта тозалаш заводи, каноп тайёрлаш пунктларида ҳам оловқалб ёшларнинг самарали фаолиятига гувоҳ бўласиз.

Кейинги ўн йилликда бевоисита Президентимизнинг болалар спорти ва таълим тизимига қаратган эътиборлари натижасида Бекобод шаҳри ва туманида 7 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. 74 та мактаб ва 13 та касб-хунар коллежи бутунлай янги қиёфада реконструкция қилинди. Ҳар бир

ёшларнинг ўрта-махсус билими мукамал эгаллаши учун Тошкент шаҳри ва турли вилоятларга бориб ўқишга эҳтиёж қолмади, десак муболага бўлмайди.

— Мактабимиз яқинда қайта таъмирдан чиқарилиб, кимё, биология ва физика фанларидан замонавий кабинетлар ташкил қилинди, — дейди 16-умумтаълим мактаби директори Ортиқжон Маърупова мамнуният билан. — Ҳозирда ўқитувчиларимиз дарсликдаги табиий конуният ва ҳодисаларни шу ернинг ўзида тажрибадан ўтказиб, ўқувчиларимизнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустах-

журтбошимизнинг “2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор жўяли тадбирлар амалга татбиқ этилапти.

Бекобод шаҳрида ёзги чўмилиш хавзаси қуриб битказилгани каттага кичик учун ёзининг жазирама кунлари бемалол хордиқ чиқариш имконини яратди. Яна, жорий йил катта спорт




## ЭЛИ ОБОД БЕКОБОД

камляпти. Бу эса ёшларни фаннинг сирли оламига кўпроқ жалб этиш борасида қўл келмоқда.

Сухбатдошимиз қайд этганидек, тажриба билим калитидир. Ёшларимизга яратилаётган бундай шароитлар шубҳа йўқки, келажакда юртимиздан жаҳонга донги кетган олимларнинг етишиб чиқишига тамал тоши бўлиб қолади.

Вилоят адлия бошқармаси-



нинг туман бўлими ташаббуси билан эса ёш авлоднинг тиббий, ҳуқуқий онгини юксалтиришга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда жойларда ички ишлар ва

мажмуаси, қишки ва ёзги сузиш бассейнлари қурилишининг поёнига етгани мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида бекободликлар учун катта хушхабар бўлди. Тобора замонавийлашиб бораётган Бекободда 2010 йили жаҳон стандартларига мос “Aqua park”нинг иш бошлаши эса ҳамшаҳарларимизнинг қалбига яна бир шодлик улашди. Зеро, заҳматнинг роҳатини



қага қизиқувчи ёшларни ўз бағрига қорлайди.

Бир пайтлар Бекобод деганда кишиларнинг хаёлида изғирин шамоллар макони, бир-икки sanoat корхонаси ва Сирдарё бўйларидаги Қолгансир, Шўркўл, Каттақолгансир, Ҳайбатқўл ва Қозон каби қолдиқ кўллар, қисман Далварзин чўлидан ташкил топган улкан худуд гавдалана эди. Бекободнинг серхосил ерлари пахта плантацияларининг оммавийлашуви натижасида унумдорлиги пасайган, тупроқ таркибидаги шўрланиш даражаси ортган эди. Сўнги йигирма йилда бекободликлар ушбу аянчи ҳолатни бартараф этишни, серхосил далаларнинг ширадорлигини сақлаб қолишни ҳам эп-лашди. Ота-боболаримиздан қолган удум — зироат маҳсулотларини алмашлаб экиш, зовурлар ёрдамида тупроқнинг шўрини ювиш орқали тумандаги бепоён кенгликлардан яна мўл-кўл ҳосил олина бошлади. Бу эса юртимиз иқтисодиётига янги бир қўмак бўлди, десак хато айтмаган бўлаемиз. Дарвоқе, жорий йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши тумандаги барча тадбиркорлару дехқонларни, ишбилармонлару чорвадорларни беҳад қувонтирди. Йил дастури амалиётга татбиқ этилиб, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари учун турли-туман имтиёзлар ва мақсадли кредитлар тизими ишлаб чиқилгани

натижасида ишбилармону дехқоннинг, чорвадору тадбиркорнинг қўли узун ва қадами катта бўлди. Ҳукуматимизнинг балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик хўжалиқларини ривожлантириш борасидаги қароридан илҳомланган ишбилармонларимиз Сирдарёдан сув тортиб, бўш ётган қўлмақларда балиқчилик

хўжалиқларини ташкил этишга киришиб кетишди. Бундан ташқари, қўшни вилоятлардан хомашё келтириш, чет элдан ҳар хил асбоб-ускуналар сотиб олишда молиявий етишмовчиликнинг олди олинди. Майда корхоналар аввал зўрға фаолият юритган бўлса, энди юксалиш босқичига кўтарилиб, мўлжалидаги бизнес-лойиҳаларни бемалол амалга оширадиган бўлди. Бунини тумандаги илғор корхоналардан бири “Сайёра Орзу” хусусий тадбиркорлик субъекти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан иш бошлаган корхона бугунги кунда фаолият қўламини кенгайтириб, паррандачилик, дурадорлик, қандолатчилик цехини ишга туширди. Тумандаги мебель ишлаб чиқардиган кичик фирмалар учун тахта кесиш ва хомашё тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Эътиборлисини, корхона ҳозирги кунда уч юздан ортиқ кишини иш билан таъминлаган.

Алқисса, бугунги кунда Бекободда янги давр руҳи кезмоқда. Бу истиқлол билан бўйлашиб келаятган ишчанлик, курашчанлик ва ишбилармонлик руҳидир! Тошкент вилоятининг жанубий тумани ва шаҳаридаги юксалишлари кузатган ҳар бир киши ич-ичидан “Бу жойлар Бекобод эмас, Элобод экан-ку!” дейиши шубҳасиз.

Турдикул НОРМАТОВ,  
журналист.



таълим муассасасида замонавий техник қурилмалар билан таъминланган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган турли тажрибавий синфхоналар ташкил этилди. Эндиликда Бекобод

прокуратура, суд ва соғлиқни сақлаш ходимлари, ҳокимият вакиллари, ФХДё бўлимлари билан ҳамкорликда ўспирин йигит-қизлар билан учрашувлар ташкил этилаётир. Қолаверса,

Оила шамчироғи бўлмиш фарзанд тарбияси ота-онанинг энг бирламчи вазифаси саналади. Аммо ҳали ўзи гўдак бўлган ёш ота-оналар бунини тўла англаб етишармикан?

Баъзи ота-оналар ўз бурчларини эртароқ адо этиб, орзу-хавасларига етишиш учун ҳали оила қуришга тайёр бўлмаган фарзандларини уйлаб қўйишади. Айтишларича, фарзанд тарбияси билан ҳомилалигидек шугулланиш лозим экан. Бунда ота-онанинг руҳан ва маънан тайёргарлиги ҳар қандай орзу-хавасдан устундир. Зеро, фарзанд аталмиш шамчирокнинг қандай нур таратиши, ота-онанинг умр йўлларини ёритиши тарбия билан

## Фарзанд — оила шамчироғи унинг қандай нур таратиши тарбияга боғлиқ

чамбарчас боғлиқдир. Фарзандларини келинлик, куёвлик сарполарида яшнаб юришини орзу қилган ота-оналар уларга кейинчалик набира тарбиясини ҳам ишона олишлари лозим.

Ҳозирги ёшлар ота-онадан алоҳида яшашни афзал билишади, кўп ҳолларда фарзандларини ҳам ўзлари тарбиялашга интилишади. Бу балки қайси бир жиҳатдан яхшидир, аммо кўпни кўрган кексаларнинг ҳаёт тажрибаси оиллага кўпроқ наф келтиришни баъзан уйлаб ҳам ўтир-

маймиз. Боболарнинг панд-насихатлари, бувиларнинг эртак ва ривоятлари ёш авлоднинг жисмоний, руҳий, маънавий камолотида ўз ўрнига эга. Мулоҳазакорлик, вазмин-босқилқ, даҳлдорлик каби фазилатлар уларга асосан бобо-бувиларидан ўтади.

Ҳозирги кунда оилаларда ўртача уч-тўрт фарзанд вояга етмоқда. Бу эса эртага яна шунча оила кўргони бунёд бўлади деганидир. Шу боис фарзандларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлиги борасида

## ОИЛА МУҲИТИ

чуқурроқ мулоҳаза юритишимиз лозим. Орзу-хавасларимиз билан ёшларнинг бошини икки қилиб қўймай, уларга оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлгандан кейингина никоҳдан ўтиш учун имкон бериш керак. Шундангина ўзимизнинг оилаларимизда ҳам, жондек фарзандларимиз оилаларида ҳам тинчлик, осудалик, фарвонлик ҳукм суради, соғлом руҳи ҳукмрон бўлади.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,  
Дилбар МҲМИНОВА,  
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ходимлари.

## «Қизим 17 ёшида она бўлди»

«Мен ўз ҳаётим хусусида қарор чиқаришга ҳақиманми ёки йўқ?..»

Бу саволга яқинда дуч келдим. Сабаби, бугунга қадар эмин-эркин, бахтиёр юрган эканман. Бирдангина жиддий ҳаёт синовлари билан рўбару бўлишим мумкинлигини ўйлаб қурмабман. Тўғрироғи, менга уни рўпара қилишди. Қандай қилиб дейсизми?..

Оиламиз каттагина. Мен эса тўнғич фарзандман. Бир пайтлар, яъни болалигимда оила-

мизни балоғатга етгандаёқ турмушга бермасак кейин маъқул жойдан совчи чиқмайди, деган қарашда, яна биров эса қиз бола боши билан ўқиганда шаҳар олиб берармиди, энг муҳими, унинг бахти оилада, дейди. Лекин 16 ёшли қиз оила деган катта бир кўрғонни эплаб кетармикан, унинг фарзандлари соғлом бўлишига кафолат борми, бу ёшда турмушнинг пасту баландини қандай тушуниб етаркан, деган жумбоқлардан минг афсуски, ошқора кўз юмиб келаётганлар ҳам учрайди.

Орадан анча йиллар ўтгач, «Қизимни ёш турмушга бердимда, бечора эзилиб кетди», «Ях-

ди. Шунинг учун мактаб, коллеж ўқувчилари билан ўтказилаётган давра суҳбатларида шу хусусда кўпроқ гапирилаяпти. Қизлар билан очикча суҳбатлар ташкил этилаяпти.

Тўғри, Фароғат опанинг фикрларида жон бор. Лекин маҳалла маслаҳатчиси бу масалага бошқачароқ ёндашиши мумкинми? Қонуний жиҳатдан унда қандай асослар бор? Бу саволга ҳуқуқшунос бўлмаган киши ҳам оддийгина жавоб топади: 16 ёшли қизнинг турмушга чиқиши мумкин эмас! Оила кодексига қизларнинг турмушга чиқиш ёши 17 ёш деб белгилаб қўйилганини ҳаммамиз биламиз-у, аммо...

тидан аввал қадам қўйиб, турмуш қийинчиликларига бардош бера олмай, сўнг пушаймон қилаётганлар камми?.. Ва бундай қисмат эгалари — «адашган» лар сони ортиб бораверса, оқибати не бўлади? Масалан, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида жорий йилнинг биринчи чораги билан солиштирилганда 4 нафарга ошгани масалада суствашилка йўл қўйилаётганини тасдиқлайди-ку! Демак, маҳаллий ҳокимликлар, таълим ва тиббиёт соҳаси, хотин-қизлар кўмиталари, бир сўз билан айтганда, жамоатчилик фаолиятида узилиш бор. Энг ташвишланарли томони, улар орасида ҳатто 15-16 ёшида ҳам фарзандли бўлган қизлар борлигига нима дейсиз?

16 ёшида фарзандли бўлган, Самарқанд шаҳрида яшовчи Лариса Палюховичнинг ўқийдиган жойи — Самарқанд шаҳар озиқ-овқат касб-хунар коллежига мурожаат қилганимизда «У ўқишга кирмасидан аввал ҳомиладор бўлган экан, — дейди коллежнинг хотин-қизлар кенгаши раиси Мафиза Нарзиқулова. — Биз буни кейинроқ аниқладик. Айни пайтда бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қизлар билан мутахассислар иштирокида алоҳида суҳбатлар ўтказаямиз».

Ростдан ҳам, бу масалада жойларда кўплаб суҳбатлар олиб борилаяпти. Мутахассислар ўзларининг зарур тавсияларини беришаяпти.

— Эрта турмуш қуриб, фарзанд кўрган қизларнинг соғлиги 10-15 йилдаёқ издан чиқиши кўп бора кузатишган, — дейди гинеколог мутахассислардан бири. — Айниқса, улар ўртасида турли гормонал ўзгаришлар, аёлларга хос бўлган хасталиклар кўп учрайди.

— Вояга етмасдан ёш она деган номи олганлар кўпгина фарзандини оғир юкда қабул қилади, — дейди рухшунос мутахассис. — Фарзанд эса жуда сезгир. Тарбия жараёнида болакай буни ҳис этмай қолмайди. Натijaда, болада айбдорлик ҳисси бир умрга қолиб кетиши мумкин.

Бу масаланинг фақат бир томони. Расман турмуш қурмаган ёш келин-куёв никоҳи ФХДё бўлими томонидан қайд этилмаган бўлса, тақдир тақозоси туфайли орадан кўп вақт ўтмасдан ўртада низо чиқиб ажрашса, айниқса, ёш қиз янада жиддий муаммога дучор бўлади. Қўлида бир ёки икки нафар норасида боласи билан қолган, эрта турмуш қургани учун на дипломи, на тайинли хунари бор 18-19 ёшли аёлга ким ёрдам беради? Улар орасида мажбуриликдан турли ноҳўя йўللарга кириб кетганлари йўқ дейсизми?

Шу ўринда яна бир бахтсизлик масала ҳам кўндаланг турибди. Бу жойларда уюштирилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар ва режали тadbирларнинг мазмун-моҳияти ва, кўзланган асосий мақсади қай даражада амалга ошаяпти? Аксарият ҳолларда бундай йиғинларда ибратли оилалар қатнашиб, мутахассислар ўз маърузалари билан даврага фойз киритишига шубҳа йўқ. Лекин ана шундай хайрли ишлардан ўзини четга оладиган яъни «нотинч оила» деб ном олганлар билан ишлаш кўнгалдагидекми? Бу савол кўпчиликни, айниқса, маҳалла фаолларини қийнаши керак.

Гулрух МўМИНОВА,  
«Оила жамият» муҳбири.  
Самарқанд вилояти



**ДЎНОН** — уч ёшни тўлдириб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя «дўнон» деб аталади.

**Кунлар ўтиб, қулун — той, той — қулун, қулун эса дўнон бўлиб етишадди.**

Носир Фозилов

Шунингдек, «дўнон» сўзи уч ёшга қадам қўйган кўй ёки эчки маъносини ҳам ифодалайди.

**Дўноннинг тойлиги бўлмас.**

Мақол

Бу сўзнинг яна «бўйи етган», «вояга етган» деган маънисини ҳам бор.

**Қиқирлашиб қулишадди**

**Сатта бирдай дўнон қизлар.**

«Гулнорпарни» достонидан.

**МИНТАКА** — тилимизда ер юзининг бирор хусусияти билан ажралиб турадиган бўлаги маъносини ифодалайдиган бу сўзнинг туб илдизи «белбоғ боғлади» деган мазмундан келиб чиққан. «Ўзбек тилининг этимология лугати»да изоҳланганича, «минтака» сўзи «белбоғ», «иклимий чегараланган ҳудуд» маъносини билдиради.

**Иссиқ минтака. Совуқ минтака.**

**АНТИБИОТИК** — тиббиётга оид бу сўз юнон тилидан кириб келган бўлиб, унинг асл мазмуни ажабланирли. Бу сўзнинг туб илдизи «хаётга қарши» деган маънони англатади. Антибиотик сўзининг бундай маънини англис тилига баъзи микроорганизмлар, хайвонлар ва ўсимликлар хаёти жараёнида ишланган чиқадиغان ва турли хил микробларнинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб қўядиган моддаларнинг шундай номланиши сабаб бўлган бўлиши керак.

**СУВОРИ** — адабий асарларимизда бу сўзга кўп дуч келамиз. Унинг «суворий» шакли ҳам бор. «Сувори» сўзи отда, от ул овлада юриш, салт (минилдиган) от, от минган киши, отлик аскар маъноларини ифодалайди. «Шашмақом»нинг Бузрук мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар ҳам «Суворора» сўзи ҳам «сувори» сўзидан келиб чиққан.

**Икки суворининг қора шарпаси Ҳамон келабери**

**Телбасой сари.**

Асқад Мухтор.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

# БАХТСИЗЛИККА БИР ҚАДАМ

## ёхуд эрта турмуш қуришнинг салбий жиҳатлари хусусида айрим кузатувлар

мизнинг молиявий аҳволи анча яхши эди. Аммо... Тўсатдан отамнинг соғлиги ёмонлашди, онамнинг бир ўзи оиламизни тебратадиган бўлди. Бир томонда ногирон турмуш ўртоғи, бир томонда бўй етиб қолган фарзандлар. Отамнинг қариндошлари ҳам бизга далда бўлиш мақсадида оиламиз аҳволдан хабардор бўлиб туришадди. Аммо менинг барча кулфатларим ҳам аслида мана шу хабардорликдан бошланди.



... Мактабни тугатганимдан сўнг коллежга киришга аҳд қилиб қўйдим. Уйдагиларим ҳам бунга норозилик билдирмади. Аммо шу орада бизникига совчилар кела бошлади. Ота-онам аввалига мени ҳали ёш, ўқиши бор, дейишди. Лекин яқин қариндошларимиз бундан хабар топишгач, уйимизга тўпланишиб, «Келган одамни қайтарманглар, ҳеч бўлмаса биттасидан кутулганларинг қолади-ку! Кўплашиб тўйни ҳам ўтказамиз», дея қўли қатроқ бўлган ота-онамни тинч қўйишмади. Охири улар ҳам... тўйга розилик беришди. Лекин мен ўз фикримдан қайтганим йўқ! Ахир ҳали қанчадан-қанча орзуларим бор-ку...»

Тахририятга келган ушбу мактубни эндигина 16 ёшни тўлдириган қиз ёганини сиз ҳам англайдирсиз. Унинг келгуси ҳаёти қандай кечиши ҳозирча номаълум. Қизнинг исми-шарифи, қарда яшагини айнан келтирмаганимиз сабаби ҳам кўп. Негаки, бу каби қизларимиз битта эмас, уларни... яшириб ўтирмайлик, ҳар бир туманда, қишлоқ-маҳаллада кўплаб учратиш мумкин. Лекин уларнинг кўнгалдан кечаётган орзу-ўйлари, фикрлари билан ҳисоблашадиган, чин дилдан қулоқ тутадиганлар кўпми ёки?..

Бу саволга жавоб топишда ҳар ким турлича мулоҳаза билдириши табиий. Кимдир ота-она фарзандини тушуниши керак, дейди, бошқа биров қизлари-

шигина иқтидори бор эди-я, фақат рўзгор билан ўралашиб қолди», «Мен бошқа бир оила учун тап-тайёр хизматкор ўстирган эканман-ку», дея афсус-надомат чекаётганлар йўқми ора-мизда?

## «Дардимни кимга айтаман?..»

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Бугун оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, тинч-тотувликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш юзасидан жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги масъуллар ва фаоллар, шунингдек, маслаҳатчилар зиммасига жиддий масъулият юкланмоқда. Хўш, нега юқоридаги каби ҳолатлар пайдо бўлганида қизлар тахрибали маслаҳатчиларга мурожаат қилишмайди?

— Сабаби, бизнинг ўзбек қизларидега катталар, айниқса, ота-онасининг раъйига қарши муносабат билдириши улар устидан шикоят қилишдай тушунади, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамғармаси мутахассиси Фароғат Шокирова. — Айниқса, кўпчилик орасидан танлаб олинган маслаҳатчи аёллар оналар билан яқин, сирдош дугонадай бўлиб турган бир пайтда уларга дардини айтиш қизлар учун ҳеч бир аҳамияти йўқ фикрдай туюлади. Аслида, бундай ҳолатда ҳар бир маслаҳатчи улар томонидан эканини кўпчилик билмай-

## «Қиз меники, ўзим биламан»

Гарчи қонунда шундай белгиланган бўлса-да, ота-оналар ўртасида сарлавҳадаги сингари фикрларни айтиб, «ортиқча» насихатни эшитишни истамаётганлар ҳам бор. Тўғри, маҳалла маслаҳатчиси бундай оилалар билан суҳбат олиб боради. Лекин тушунириш йўли билангина аниқ бир натижага эришиш қийинчилик туғдиради.

Табиийки, улар ўз никоҳини ФХДё бўлимида орқали расмийлаштира олмайдилар. Бугунги кунда расмий никоҳи бўлмаган ёшларга шаръий никоҳ ўқутилиш ҳам мумкин эмас. Хўш, унда қишлоқ ёки маҳалла фуқаролик йиғинлари раислари, маслаҳатчилар вояга етмай туриб турмушга узатилаётган, яъни ҳақ-хуқуқи бузилаётган қизларни ҳимоя қилишга ҳақимиз? Уларнинг ота-оналарини қонунда белгиланган тартибда жазолаш учун тегишли органларга мурожаат этиш учун қай даражада вақолатга эга?

— Маҳаллада худди ана шундай салбий ҳолат содир бўлганда маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси ҳамда худуд участка номири биргалликда вояга етмаган ёшларнинг турмуш қуриши мумкин эмаслигини тушутирган ҳолда профилактика ишларини олиб боришлари лозим, — дейди «Аман» адвокатлик ҳайъати адвокати Дилафрўз Астанава. — Энг аввало, тарғибот ишлари олиб бориладигани тасдиқловчи ҳужжат, баённома тузилади. Агар шундан сўнг ҳам ота-оналар 17 ёшга тўлмаган қизи, ҳамда 18 ёшга тўлмаган ўғлининг турмуш қуришини маъқулласа, тўй ўтказилиши аниқ бўлса, маҳалла оқсоқоли мазкур баённомани илова қилган ҳолда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиши лозим.

## Айбдорлик ҳисси

Бир қараганда бу масалаларни кўтариш, яъни жамоатчилик орасида муҳокама қилиш айримларга эриш туюлиши мумкин. Лекин эрта турмуш қуриб, оила-си бузилиб кетаётганлар, ёш она бўлиб, носоғлом фарзанд кўраётганлар, оилавий ҳаётга мудда-

## Акциз маркалари тартибда ўзгаришлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жорий йил 1 апрелдан бошлаб алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиб, Молия вазирлиги, давлат солиқ ва божхона кўмиталари ҳам шу йил 14 мартда мазкур қарор асосида ўз низомиларини қабул қилган эди. Айни пайтда бу борада самарали фаолият олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳукуматимизнинг 2009 йил 15 июлдаги қарори асосида тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида"ги низомининг 13-бандига мувофиқ, белгиланган тартибда олиб қўйилган алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши кераклиги сабабли амал қилиш мuddати ўтган акциз маркалари билан маркланган алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари маркланмаган ҳисобланиши ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши керак. Эски намунадаги акциз маркаларини йўқотиш бўйича

сарфланган харажатларни эса юқорида қайд этилган маҳсулотларга эга бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импортчилар амалга оширади.

Яна бир муҳим жиҳати, тегишли идоралар томонидан ишлаб чиқилган махсус йўриқномага кўйидаги тартибда айрим ўзгаришлар ҳам киритилди: Йўриқномадан импортчилар томонидан келгуси йилга буюртма умуман бир йилга чораклар бўйича (ёки импортчиларнинг тегишли шартномалари бўйича) тақсимланган ҳолда тақдим этилиши белгиланган жумла чиқариб ташланди. Акциз маркалари идишнинг зич қилиб ёпилган қалпоқчалар (ёки полиэтилен пробкалар) устидан ёнларни тенг қамрайдиган ҳолда қопқоқ очилганда йиртиладиган қилиб яхшилаб ёпиштирилади. Белгиланган тартибни бузган ҳолларда (масалан, целлофан плёнкани йиртиб, унинг ичига акциз маркази ёпиштирилганда, марка целлофан устидан ёпиштирилганда, бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг маркаларини ёпиштирилганда) акциз маркалари ёпиштирилган

тамаки маҳсулотлари маркланмаган ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилиши ҳамда йўқ қилиниши лозим.

Солиқ органларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги "Алкоғолли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми таллабларидан келиб чиққан ҳолда, 2011 йил 1 октябрдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркланган алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг улгуржи ва чакана савдо тармоғида сотилиши аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек, ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва йўқ қилиб ташлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилганлиги бўйича ҳам тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Рустам ИНОЯТОВ,**  
Тошкент шаҳар Сергели туман ДСИ ходими.

## СОҒЛИГИНИГ – БОЙЛИГИНИГ

### Касалликдан уялманг!

Мутахассисларнинг кузатишича, кейинги йилларда ёши катта аёллар ўртасида пешоб ушлолмаслик билан боғлиқ ҳолатлар кўп учраётган экан. Бунга организмдаги ёш билан боғлиқ гормонал ўзгаришлар ёки наслий мойиллик сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлар ўртага ташланмоқда. Ҳўш, кўрсатилаётган омилларнинг қай бири тўғри, деган савол туғилади.

Бу ҳолатга хасталик сифатида қарайдиган бўлса, унинг асосан икки тури яъни ҳақиқий ва "сохта"га бўлиниши аниқланган. Биринчиси доимий ва нодоимий бўлиши мумкин. Доимийда сийдик ажралиши мунтазам равишда кузатилиб турилади. Нодоимийсида эса сийдик оқиб кетиши ёки тананинг маълум бир ҳолати ёки жисмоний зўриқиш (шу билан бирга, йўтал, акса уриш, кулиш пайти) да кузатилади.

"Сохта" ҳолатига сийдик найи, қовуқ ва сийдик чиқариш канали (уретра)нинг туғма ҳамда умр давомида орттирилган нуқсонлар



сабаб бўлиши мумкин. Туғма нуқсонда қовуқ экстрозфияси (қовуқ олд девори йўқлиги), эпизодия, сийдик найи тешигининг уретра ёки қинга очилишида кузатилади, орттирилган

нуқсонларга эса асосан жароҳатдан сўнг пайдо бўлган оқмалар сифатида учрайди.

Хозирги кунда энг кўп кузатилаётган ҳолат, бу зўриқишда сийдик ушлолмасликдир. Бунда бошланғич босқичда сийдик томчилаши кучли жисмоний зўриқиш, масалан, оғир юк кўтарилиши вақтида кузатилади, кейинчалик эса одатий йўтал, акса уриш, кулганда ва ҳатто тана ҳолатининг ўзгаришида ҳам кузатилади. Аксарият аёллар бундай вазиятда ўзларини жуда ноқулай сезади.

Императив сийдик ушлолмаслик деганда сийдик ажратишга кучли қистов билан кечадиган сийдик оқиб кетиши тушунилади яъни қистовни бемор тўхтата олмайд.

Зўриқишдаги сийдик ушлолмаслик ривожланишининг потенциал (эҳтимол) сабаблари куйидагича:

Туғма анатомик нуқсонлар, тос туби мушак тизимининг бўшашиши, туғруқдаги жароҳат, оғир жисмоний меҳнат, яққол ифода-ланган нейропатия, уретрада қолган синтезининг қамайиши, тос аъзоларида аввал ўтказилган жарроҳлик муолажалари, чекиш, ичкиликка ружу қўйиш, сурункали қабзият, тос аъзоларининг қариллик билан боғлиқ ўзгаришлари, эстроген(аёллар гормонлари) етишмовчилиги.

Ушбу хасталиқнинг ривожланишига мойиллик қилувчи асосий белгилар — оғир жисмоний меҳнат, туғруқ, ичак фаолиятининг бузилиши ва ҳоказо. Афсуски, аксарият хотин-қизлар ўзларидида бундай салбий ўзгаришларни деярли сир тутишга уринади. Шунинг учун ҳам улар бу масалада тиббиёт маусасаларига мурожаат қилиши уят санаб, мурожаат қилишдан тийилади. Оқибатда эса касаллик зўраяди ва кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқаради. Аслида эса ҳеч бир ваҳима ёки ҳавотирга тушишга ҳоajat йўқ. Чунки бугунги кунда мазкур касалликнинг олдини олиш ва даволаш усуллари ниҳоятда самарали яъни ҳавфсиз ва осон усуллардан иборат.

Эслатиб қўймоқчимиз, пойтахтимиздаги 1-шаҳар клиник шифонасининг урология бўлимида бу борада истиқболли даволаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

**А. АБДУРИЗАЕВ,**  
1-шаҳар клиник касалхонаси уролог шифокори,  
тиббиёт фанлари номзоди.

## Молиявий ва маъмурий жазога тортилмайди

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасида солиқ назорати турларидан бири бўлган камерал назоратнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Камерал назорат — бу солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган жараён. Бундан ташқари, камерал назоратни амалга оширишда Солиқ кодексининг 84-моддасига мувофиқ ташқи олинмаган маълумотлардан ҳам фойдаланилади. Бунда назорат жараёни солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан, давлат солиқ органи жойлашган ҳудудда амалга оширилади. Агар хатоликлар аниқлангудек бўлса, солиқ тўловчи ҳеч қандай молиявий ёки маъмурий жазога тортилмайди. Мабодо давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдирганда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма

шаклда хабар қилиниб, талабнома берилади. Солиқ тўловчи томонидан эса ушбу аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олган кундан эътиборан 10 кунлик мuddатда тақдим этилиши белгиланган.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Олмазор туман ДСИнинг "Камерал назорат" бўлими томонидан корхоналар бўйича ўтказилган текшириш жараёнида қўшимча ҳисобланган сумма 426340,0 минг сўмни ташкил этди. Барча корхоналар камерал назоратдан ўтказилганда эса уларнинг 10,9 фоизиди хато ва камчиликлар борлиги аниқланиб, қайта ҳисоботлар топшириб, қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар давлат бюджетига ундирилди. Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан камерал назоратнинг моҳиятини солиқ тўловчиларга тушунтириш мақсадида жойларда ўқув семинарлари ҳам ташкил этиляпти.

**Муҳиддин МУҲАМЕДОВ,**  
Олмазор тумани  
ДСИ шўба бошлиғи.

**КЗИЛ ПАЛЬМА ЕФИ**

Организмнинг А, Е витаминларига бир суткалик эҳтиёжини қондириш учун «CAROTINO»дан 1 ош қошиқ иччи киёфия.

Сиз ва фарзандларингиз учун табиатнинг бебаҳо тухфаси!

+99890 910-61-11

Гувоҳнома № 003534

Ҳамкорликка таклиф этамиз.

**Кадрли Баҳриддин ЖАВЛИЕВ!**

Таваллуд топган айёмингиз муборак бўлсин! Сизга сийҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бағрикенглик тилайман.

**Укангиз Хусниддин Худойбердиев.**  
Қашқадарё вилояти,  
Эски Ялқабог кўрғони.

**«Ўзкоммунўқув-ташкilotчи» республика ўқув маркази**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»**

ўқув курсига таклиф қилади  
Ўқиш даври — 1 ой

Манзил:  
Тошкент шаҳри Ниёзбек йўли кўчаси, 1.  
(«Минор» метро бекати)  
Тел.: 234-17-08, 343-94-98

**ТАБИАТ – ДОРИХОНА**

Қалампир-гармдори мускул ва бўғимларда оғриқ туриши, иситма чиқиши ва умуман дармонсизлик билан ўтадиган шамоллашда ишлатилади. Юрак фаолиятини кучайтириш, овқат ҳазмини яхшилаш, иштаҳани очиш, шунингдек, қорин дам бўлганда, жигддон қайнаши, йўталда ҳам яхшигина малҳам бўлишини Ибн Сино бобомиз тавсия этган. Ортиқча вазндан ўзини асрайдиган аёллар қалампирдан семириб кетмаслик учун фойдаланишиди. Бактерияларни ўлдирувчи хусусиятга эга бўлган қалампирни ўсимлик мойи билан аралаштириб, ревматик оғриқларда ҳам қўллаш мумкин.

**«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

кундаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар коспом-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойий ўқид.  
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Пишириқлар олий курси — 1 ой.  
Уйғурча, Европа таом ва салатлар — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.  
Педикюр, маникюр — 1 ой.  
Сартарошлик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Қашқачилик — 3 ой (машинада вишыёк).  
Тўқувчилик — 2 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой.  
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан  
Етоҳхона мавжуд  
Ўқишни тугатганларга  
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехон бозори беш томони ораксиди.  
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72 (18<sup>о</sup>), 225-97-93 18<sup>о</sup> дан 22<sup>о</sup> гача.  
ФИЛИАЛ  
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик киний бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи).

Убайдулло РАҲИМБЕРДИЕВ тайёрлади.

## ШАҲРИСАБЗ АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ



*Мамлакатимизда кенг нишонланган  
27 июнь ~ Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кунини муносабатини  
билан барга қаламкаш ижодкорларни  
самимий муборақбод этади!*

*Сизларга мустақил республикамизнинг  
сиёсий-иқтисодий ва маънавий-маърифий  
ҳаётида амалга оширилаётган изғил ислохот-  
лар, улкан бунёдкорликлар, шунингдек, юртимиз  
аҳлининг кундалик ахборотга бўлган эҳти-  
ёжини қондиришдек масъулияли вазифани ша-  
раф билан удалаш йўлида ҳаминша Зафарлар  
ёр бўлсин.*

**Ҳалоллик, холислик ва ҳақиқат  
ҳамроҳингиз бўлмоғини тилаймиз.**

### КИЛМИШ- КИДИРМИШ

## Хорижни қилма орзу...

Бугун қаерга қараманг, тур-ли хил эълону афишаларга кўзингиз тушади. Улар орасида "Бир зумда бойиб кетиш"-дан бошлаб, тушингизга ҳам қирмаган мамлакатларга сайру саёҳат ва, шу билан бирга, мўмайгина даромад топиш мумкинлигини ваъда қилувчи ёзувларгача бор. Тошкент шаҳрида яшовчи А.Гаджиев ҳам "Чехияга ишга юборамиз" деган эълонга кўзи тушди-ю, ай-тилган манзилга қараб чопди...

2006 йили ўз фаолиятини бошлаган "Хэпи тур" масъулияти чекланган жамияти хориждаги хусусий иш берувчилар ва таълим масканлари ҳақида ахборот ва маслаҳат тарқатиш, хорижда ўқиш ва ишлашга юбориш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга кўмаклашар экан. Жамият директори Г.Дереникьян А.Гаджиевга тегишли йўл-йўриklarни обдон тушунтиргач, дастлабки маслаҳати учун нақд 250 минг сўмни қуртдай санаб олди. Ва икки ўртадаги ўзаро келишувга мувофиқ, у Чехияда ишлашга розилик билдирса, яна кўшимча равишда 2500 АҚШ доллари тўлаши кераклигини билдирди.

Шундан кейин жамият ходимлари Гаджиевнинг ҳужжатларини Чехиядаги иш берувчига топшириши, борди-ю, уларга номзоди тақдим этилаётган кадр маъқул тушса, жўнатишларини таъкидлаб, умумий маблағнинг 1500 долларини олдиндан тўлаши шартлигини маълум қилишди.

Соддадил миҳоз айтилган пулни келтириб бергач, орадан бир ҳафтача вақт ўтганидан сўнг жамият вакили унга қўнғироқ қилиб, ҳужжатлари хориждан келганини ва қолган 1000 АҚШ долларини ҳам тўлаб кетишини тайинлади. Хуллас, талаб қилинган барча тўловлар тўлаб бўлингач, Гаджиев энди фақатгина элчининг суҳбатидан ўтиши лозим эди. Афсуски, бу масала ҳал бўлмади қолди. Элчихонадан руҳат ололмаган миҳоз сарфланган харажатларни қайтариб олиш учун Г.Дереникьян хузурига борди. Лекин жамият раҳбари унинг бу талабини тўлиқ қондирилмаслигини, тўланган маблағ эса Чехиядаги иш берувчининг ҳисоб рақамига ўтиб кетгани ва керакли ҳужжатлар учун сарфланганини ваз қилиб кўрсатди.

Олиб борилган текширув натижаларига кўра, маъмур жамият аъзоларидан бир нечтаси фирибгарлик йўли билан Гаджиевдан бўлак яна 9 нафар фуқарони ҳам чув туширгани учун тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди.

Улуғбек АБЕРКУЛОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими катта инспектори.

## Қумга сингмас муҳаббат

Ўзбек миллий академик драма театрида ёш ижодкор Абдулазиз Раҳматов либреттоси асосида Бахтиёр Тўраев саҳналаштираган "Қумда севги жилolari" спектаклининг тақдироти бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда ижодкорларимиз янгидан-янги йўналишларга дадил мурожаат этишмоқда. Хусусан, ушбу спектаклни ҳам театрда тасвир имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида ўзига хос янгилик дейиш мумкин. Бир парда етти кўринишли сўзсиз саҳна асарини расмий йигитнинг қум излаб юрган манзараси билан бошланади. У санъат асарини яратиш учун ўзига керакли кўриниш топиб, кўзасига солди ва саҳна четидagi "устахона"сида иш бошлади. Рассомнинг санъат асарини саҳна ортдаги ул-

кан мониторингда намоён бўлиб боради: олдин икки доира ҳосил бўлади, кейин гуллар, дарахлар, кабутарлар, капалаклар... Энг қизиғи, бир тасвирдан иккин-

монитордаги тасвирлар, саҳнадаги актёрлар пластикаси ва мусиқий ритми уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган.

"Қумда севги жилolari" рамалар ва шартлилик асосига қурилган бўлиб, Инсон ва Шайтон ўртасидаги боқий кураш акс эттирилган. Икки қалб муҳаббат шаробидан маст юрганида Шайтон ҳижрон тиғи ила уларни яралайди, қизни ўғирлаб кетади. Йигит маҳбубасини излаб, узоқ ва машаққатли йўл босади. Шу аснода мониторингдаги тасвир ҳам ўзгариб, гоҳ боғ-роғлар, гоҳ чўлу биёбонлар кўзга ташланади. Ошиқ турли қиёфаларга кириб, турли найранглари қўллаган Шайтонга чап бера-бера охири севган ёрига етишади. Шу тариқа муҳаббат қумга сингиб кетадиган сув эмаслиги, аксинча, ҳамisha галаба қозониши намоён этилади.

**Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

### ТАҚДИМОТ



чиси келиб чиқверади. Қумда ишланган суратлар спектакль қахрамонлари ички дунёсини очиб беришга хизмат қилади. Рассомнинг қўл ҳаракати, улкан

## Тадбирлар ҳаётини бўлсин

Ота-боболаримиз асрлар давомида синовдан ўтказиб, амал қилиб келадиган шундай анъаналар борки, бугунги юксак технологиялар асрида ҳам асло оҳорини йўқотмаган. Гулран тумани ФХДЭ бўлими қошидаги Ёш оила қурувчилар мактаби машғулотларида замонавий билимлар билан бирга, ана шундай асрий анъаналаримизга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ФХДЭ бўлимига ариза берган ҳар бир йигит-қиз биринчи навбатда тиббий кўрикдан ўттиши зарурлиги фақат кунун ва тиббиёт нуқтаи назаридан эмас, балки миллий маданиятимиздан келиб чиқиб тушунтирилганда, тингловчилар онгига ях-

широқ етиб бораётир. Ахир, аҳоли томонидан онгли равишда англаб етилмас экан, ҳар қандай фойдали тартиб-қоида беэътибор қолиб кетаверади. Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деганларидек, яқин қариндошлар ўртасидаги ёки эрта ёшдаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳам мутахассис эмас, шундай қисматга дучор бўлган кишиларнинг гапириб бериши ёшларга қаттиқроқ таъсир кўрсатиши турган гап. Шу боис машғулотларга туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ЕИХ, ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари вакиллари билан бир қаторда кўпни кўрган отахон онахонлар ҳам жалб этилаётти. Бу эса тадбирларнинг ҳаётлигини таъмин этмоқда.

**Саёҳат ТИЛЛАЕВА,**  
Гулран тумани ФХДЭ бўлими муdiri.

### САВОЛ-ЖАВОБ

## Давлат божи тўрт баравар кам...

**Автомототранспорт воситаларини бошқариш учун ишончнома беришда қанча микдорда герб йиғинми олинади? Ишончнома бир кишига ёки бир неча кишига берилса, тўлов микдори фарқланадими?**

**Д. Маърупов,**  
Миробод тумани.

— Автомототранспорт воситаларини бошқариш учун берилган ишончнома ишончли вакиллар сонига қараб гербли бланкаларга расмийлаштирилади. Битта гербли бланка учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи микдорида герб йиғинми ундирилади.

**Ишончномани расмийлаштириш чоғи давлат божини тўлашда яқин қариндошларга имтиёзлар берилганми?**

**З. Жўраева,**  
Бекобод тумани.

— Оила манфаатлари ҳисобга олинб, автоматотранспортни бошқариш учун яқин қариндошларга ишончнома берилганда давлат божи бўйича имтиёзлар белгиланган. Масалан, ота-она, эр-хотин, уларнинг ота-оналари, ака-ука ва опа-сингиллар, набиралар, зиянларга ишончнома бе-

рилганда энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари микдорида давлат божи ундирилса, худди шундай ишончнома бегоналарга берилганда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари микдорида давлат божи олинади. Бу имтиёздан фойдаланиш учун қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши керак.

**Автомототранспорт воситаларини бошқариш учун ишончнома қанча муддатга берилиши мумкин?**

**О. Эрнazarов,**  
Чирчиқ шаҳри.

Ишончнома уч йилга бўлган муддатга берилиши мумкин. Нотариал тасдиқланган автоматотранспорт воситаларини бошқаришга онд ишончномалар 10 кун ичида тегишли жойдаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатга қўйилиши лозим.

**Саволларга Чирчиқ шаҳри 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Раёно ҲАҚБИДИЕВА,**  
**Миробод тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Каромат МАРАҲИМОВА**  
жавоб берди.



"Қизим Наргизани тоғам неварасига келин қилиш ниятида эди. Уларнинг ўқимишли, зийли оиласига ҳавасимиз келиб юрарди. Шу боис отаси иккимиз кувониб, қандай рози бўлганимизни билмай қолдик. Куёв бўлиши Шокир хали талаба эди. Тоғам хайити байрамларда бўлажак неварани келинини совға-салом билан йўқлаб турарди. Яқинларимиз ўртасида узоқ-юзоқ гап оралаб, синглим орқали қўлоғимга етиб келди. Эмишки, Шокир билмай қадам босиб, курсдошига ноилжой уйланибди. Бу миш-мишга аниқлик киритиш учун Тошкентга Шокирнинг ёнига бордим. У бошини кўтаролмай, уйланганини ростлигини тан олди. Уйига борсам, келинининг ой-кунни яқин, фарзанд кутаётган экан. Наргизанинг бахтини ўзим боғлабман, деб ўтдай ёниб, уйга қайтдим. Отаси олдида тилим қисик бўлиб қолди. Гоҳида "Шу ўқимишли тоғангни деб қизим айбсиз айбдор бўлиб қолди", дейди. Наргизанинг ёши 26 да. Маълумоти ўрта-маҳсус. Қўлигул чевар, пазанда. 33 ёшгача бўлган, зарарли одатлардан холи, ўқимишли, баъзамани инсонларнинг фарзанди бўлган йигит ёки бирор жиддий сабаб билан ажрашган инсонга қизимизни узатмоқчимиз.

**ХУРСАНДОЙ,**  
Навоий вилояти".

"Укамнинг тоби қочиб, онам уни касалхонада олиб ётди. Рўзгор ташвиши, пишир-қуйдир, бари ишлар менга қолиб кетди. Отам азонлаб далага кетар, қош қорайганда уйга келарди. Бир кун касалхонадан қайтаётиб, рўзгорга ул-бул харид қилиш учун бозорга тушдим. Йўлда маҳалладошим Нодир дуч

келиб қолиб, оғир халталарни қўлимдан олди, уйимизгача келтириб қўйди. Шу-шу, у билан кўча-кўйда саломлашадиган бўлдим. Нодир ниҳоятда оқ кўнгил, меҳрибон эди. Ниҳоят, кутган куним келди, Нодир севги изхор қилди... Ота-оналаримизнинг рози-ризалиги билан тўйимиз бўлиб ўтди. Бахтли яшай бошладик. Кетма-кет учта йўлчи бўлдик. Эрим нуфузли ташкилотда хизмат қилар, мен эса рўзгорга харна ёрдам деб уйда тикувчилик билан шуғулланардим. Янги ҳовли қуриб, кўчиб чиқдик. Хаммаси шундан бошланди. Икки уй наридаги кўшни аёлни эри ташлаб кетган экан. Ҳали уни, хали буни тиктираман деб уйимдан чиқмай қолди. Тикувчиликни ўргатинг деб холи-жонимга қўймасди. Мақсади бошқа экан, афсус, билганимда гишт қолипдан кўчганди. Эрим унинг найранглари қурбони бўлди. Ота-онам, яқинларим ўзингни оёқ ости қилма, юзингга оёқ қўйган, болаларини ўйламаган эркакдан воз кеч, дейишди. Қонуний ажрашдик. Уч ўғлим мен билан кетди. Ота-онам кексайиб қолган, ака-укаларнинг ўз кунни ўзига экан. Уғилларимни отасига қайтардим. Нодир у аёлдан фарзанд кўрмади. Мана ўн йилдирки, бахтсизлик гирдобидаман. **Ёшим 39 да.** Маълумотим ўрта-маҳсус. Ёшимга мос, қадримга етадиган, вафодор, иш тайин, уй-жойли, диёнатли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**ДИЛБАР,**  
Сурхондарё вилояти".

"Қизим Ҳилоланинг оёқлари салгина қийшиқ. Туғилаётганда доянинг эътиборсизлиги туфайли шундай бўлиб қолган. Дастлаб буни сезмаганимиз. Юра бошлағач, аста-секин билина бошлади-ю, вақтида даволатдик. Лекин барибир сезиладиган даражада нуқсон бўлиб қолди. У болалигидан ҳар юмушни пишиқ-пухта бажарадиган зийрак эди. Мактабни аъло баҳоларга тугатди. Ҳозир нуфузли ташкилотда ҳисобчи бўлиб хизмат қилаётти. Яқинда курсдош дугонасининг тўйига бориб, дили ўксиб қайтди. Бир оғиз гап билан ярим кўнглини баттар ўзгирон қиладиганлар учраб турар экан. Қизим ҳам дугоналари қатори рақсга тушибди. Шунда бир аёл қизимга эшиттириб "Оёғи қийшиқ бўлса, рақс тушишга бало борми?" дебди. Шу тўйдан сўнг Ҳилола бир ҳафта ўзига келолмай юрди. Ундан кўра мен кўпроқ азобландим. Гоҳида шу қизимнинг келажagini ўйлаб ич-этимни ейман. Илтимос, ёрдам беринг. Элчилик, унинг ўз тенги чиқишига умид қиламан. Ҳилоланинг **ёши 26 да.** Маълумоти ўрта-маҳсус. Ёшига мос, тақдир ўзиникига ўхшаш, оқ кўнгли, меҳрибон инсон учраса, қизимнинг бахтини кўрсам, бу дунёдан армонсиз ўтардим.

**НОДИРА,**  
Тошкент шаҳри".

"Зарифа билан ўртоғим Рус-тамга пичан ўришда ёрдамлаш-

гани бориб танишиб қолганим. Рустам билан шартлашиб, белгиланган жойни ўриб тугатгунча кун қизиб кетди. Шу аснода бизга айрон олиб келиб турган қиз хаёлимни ўғирлади. Унинг майда ўрилган сочи, дўпписи кўз олдимдан кетмасди. Эртаси кунни ҳам оёқларим ўзимга бўйсунмай ҳашарга борганим билмай қолибман. Рустам дилимдагини сезиб, "Зарифа холамнинг қизи, кеча кечкурун отаси олиб кетди", деди. Улар кўшни вилоятда яшар экан. Қузда Зарифанинг акасининг тўйига Рустам билан бирга бордик. Зарифа билан учрашдик. У институтда 2-курсда ўқиркан. Узоқ йўллар яқин бўлиб қолди, ҳафта оралаб ундан хабар олиб турардим. Институтни тугатгач, тўйимиз бўлди. Кетма-кет беш фарзанд кўрдик. Оиламдан кўнглим тинч, бахтли эдим. Уғилларимизни уйлантирдик, қизларимизни эгаларига топширдик. Энди уларнинг ҳузурини кўраётган чоғимизда Зарифа бедаво дардга чалиниб қолди. Уч йил бормаган жойимиз, кўрсатмаган дўхтиру табиишимиз қолмади. На илож, умри қисқа экан, у билан кўша қарши на-

сиб этмади. Фарзандларим меҳрибон, атрофимда парвона. Лекин эркак киши сўққабош яшаш қийин экан. Ёшим 61 да. Нафақадаман. Ёшимга мос, меҳрибон, ёлғиз аёл учраса, хабар берсангизлар.

**ҚУВОНДИК,**  
Хоразм вилояти".

"Зумрад онамнинг шоғирди эди. Қайнона-келин она-боладай иноқ яшарди. Биринчи фарзандларимиз эгиз туғилди. Хотиним Ҳасан-Ҳусанин еру қўкка ишонмасди. Бахтли ҳаёт кечираётгандик. Укасининг тўйи кунни айвоннинг баланд зинасидан чалқонча йиқилибди, уч кун касалхонада ётиб, қўлимда жони узилди.

Онам бир аҳволда ётиб қолди, келининдан кейин олти ой ўтмай қазо қилди. Биратўла икки азиз инсонимдан ажраб қолдим. Яхшиям, қайнонам бор экан, жонимга ора кирди. Тўрт йил ўтгач, яқин ўртоғимнинг масалахати билан "Оила ва жамият" газетаси тахририятига ёрдам сўраб келдим. Менга битта қизча-айи Моҳиранинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Эри юрак хасталиги билан оламдан ўтган экан. Яқинларимизга маълум бўлиб турмуш қурдик. Хотиним оқ кўнгил, меҳрибон аёл. Қайта бахтимни топдим.

**ЭРКИН,**  
Тошкент вилояти".

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бево-сита муружаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## Ўзгаларни эмас, ўз болангизни ўйланг!



Хаёт энг яқин тарбиячидир. Ён-атрофимиздаги одамларни кўриб, мулоҳаза қиламиз, уларнинг ахлоқ-ёмон хатти-ҳаракатидан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқарамиз. Яқиндагина бир ҳамкасбим айтиб берган ҳикояни сиз ҳам эшинг-а:

«Баъзи ўқувчилар билан тил топишиш осон кечса, айримларини умуман йўлга солиб бўлмайди. Биринчи босқич ўқувчилари орасида Севара исмли қиз коллежга келган куниданоқ ўзини бошқача тута бошлади. Бир-икки марта насиҳат қилиб кўрдим, аммо таъсир этмагач, ота-онасини чақириб мажбур бўлдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда ёши етмишларга яқинлашиб қолган кекса онахон турарди.

— Мен Севаранинг бувиси бўлман, қизим. Дадаси ишдан кеч қайтади. Онаси эса... чет элга ишлагани кетган. Бирор гапингиз бўлса, менга айтaverинг.

Келиним тез-тез кўнғироқ қилиб, болаларининг аҳолини сўраб туради, — деди онахон саволга ўрин қолдирмай.

— Набиранинг тарбиясидан кўп ўқитувчилар нолияпти. У ўқишга номақбул кийимларда келади, ёшига номуносиб тарзда юзига турли бўёқлар чаплаб олади. Коллежда кўл телефонининг мусиқасини баралла кўйиб юради. Утган кун танафусда директор тўхта-тиб, тартибга чақирса, «Ота-онам олиб берган телефондан истаганимча фойдаланман», деб гап қайтарибди. Коллежнинг ўз қонун-қоидалари бор. Илгари ҳам кўп бора у билан гаплашганман. Менимча, набиранинг сизнинг гапингизни ҳам назар-писанд қилмайди...

— Қизим, сизни тушунаман. Болаларга тарбия бериш қийин масала. Мен ҳам қийналиб кетдим. «Ўзга юртда бировларнинг боласига энагалик қилгандан кўра ўз болаларингга қара», деб

### МУЛОҲАЗА

Келинимга неча бор қаттиқ гапирдим. Афсуски, пулни кўзи қиймай, менга ҳам қулоқ солмаяпти. Болаларини бировдан кам қилмай деб юрганмиш. Ахир, буларнинг усти бут, қорни тўқ бўлгани билан ота-она меҳрини, тарбиясини кўрмай ўсапти. Мен бир кампир бўлсам, кўлимдан нима ҳам келарди?»

Ҳамкасбимнинг куёнишида жон бор. Битта тарбиясиз боланинг дастидан бутун коллеж азият чекса, эртага у жамият учун тап-тайёр боқимандага айланмайди деб ҳеч ким кафолот бероллади-ку! Ўқитувчи бўлганим учунми, болаларни кўп кузатаман. Мактабни тамомлаб, коллежга келган ўқувчилар ўзларини бирмунча эркин ҳис қилишадди. Оиласидан, ота-онаси бағридан узилгани боис онгида «Энди мен мустақил шахсан» деган тушунча пайдо бўлади. Ўзларини бир зумда худди катта одам бўлиб қолгандек тутишадди. Аксарият ота-оналар ҳам қундалик иш билан андармон бўлиб, фарзандларининг кун бўйи нима билан бандлиги ҳақида қизиқмайди. Болам коллежда ўқияпти, энди унинг тарбияси ҳақида ўқитувчилар кўпроқ қайғурсин, деб ўйлайдилар.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаган ҳар бир бола тарбиясига, туриш-турмушига биринчи навбатда ота-она масъул. Қонунчилигимизга кўра, 18 ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашча, болада айнан мана шу ёшда ўзгаларнинг таъсирига берилиш, ичкилик, гиёҳванд моддаларга қизиқиш пайдо бўларкан. Шундай экан, энг мураккаб паллада ёшлар дунёқарашини, ахлоқ-одобини, таълим-тарбиясини фақат ота-оналарга ҳам ташлаб қўйиб бўлмайди. «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ҳикматли мақол бежиз айтилмаган. Келажак авлод маънавиятини юксалтиришда оила — мактаб — коллеж — маҳалла бирдамликда ҳаракат қилмаса, кўзланган натижага эришишимиз қийин.

**Ойбиби АБДУРАҲМОНОВА,**  
Хоразм вилояти Урганч шаҳри  
политехника ва компьютер техно-  
логиялари коллежи ўқитувчиси.

— Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Шунда ижро варақаси кучига эга бўлади. Бундай келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Унинг бир тарафлама ўзгартирилишига ёки рад қилинишига йўл қўйилмайди. Алимент микдори ҳам ушбу ҳужжатда белгиланади. Иш ҳақи ёки бошқа даромаднинг вояга етмаган бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортқ бола учун ярми ундирилади. Келишувга биноан тўланадиган алимент микдори ҳам шу микдордан кам бўлмаслиги керак. Тўлаш усуллари ва тартиби ҳам ушбу келишув билан белгиланади. Алимент иш ҳақи ёки бошқа даромадга нисбатан улушларда, вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада, бир йўла тўланадиган қатъий суммада, мол-мулк билан ва бошқа усулларда тўла-ниши мумкин.

**Саволларга Тошкент шаҳри**  
Миробод тумани 1-сонли давлат  
нотариал идораси катта нотариуси  
**Нодир АРТИКОВ** жавоб берди.

**А. Абдувалиева,**  
Бувайда тумани.

## Алиментни бир йўла тўласа бўладими?

Опам оламдан ўтгач, ёлғиз ўғлини фарзандликка олгандим. Ўзимнинг ҳам икки нафар ўғлим бор. Мол-мулкимни фарзандларимга тақсимлаб бермоқчиман. Аммо турмуш ўртоғим опамнинг ўлиги мерос беришимни истамапти. Қонун бўйича меросга эгалик қилишга унинг ҳам ҳаққи борми?

**С. Хуррамова,**  
Уйчи тумани.

— Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига биноан, қуйидаги шахслар меросхўр бўлиши мумкин: мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган қариндошлар, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ҳамда мерос очилганидан кейин тирик туғилган болалар, мерос қолдирувчининг авлодлари, ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНЛАР, қон-қариндош муносабатлари билан боғланган бошқа шахслар, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган ме-

### САВОЛ-ЖАВОБ

натта лаёқатсиз кимсалар. Бола, невра, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

\*\*\*

Турмуш ўртоғимнинг хиёнати сабаб ажрашишга қарор қилдик. Икки нафар фарзандим қонун бўйича менинг қарамоғимда қолди. Ажрашган пайтимиз эрим тайинли жойда ишларди, алиментни вақтда тўлаб турганди. Кейинроқ моддий таъминот умуман узилиб қолди. Суриштирсам, собиқ турмуш ўртоғим вақтинчалик ҳеч қаерда ишламаётган экан. У ишга жойлашганидан сўнг алиментнинг бир йиллигини бирдан тўлашини билдирди. Шу мумкинми?

**А. Абдувалиева,**  
Бувайда тумани.

### СПОРТ СПОРТ СПОРТ

#### Рақибимиз — Австралия!

Мексикада ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати қизгин паллага кириб улгурди. Ўз гуруҳида 6 очко билан биринчи ўринни қўлга киритган Алексей Евстафеев шогирдлари кейинги босқич ўйинларига тайёргарликларни бошлаб юборишган.

«F» гуруҳида учинчи ўринни эгаллаган жамоа футболчиларимизга рақиб бўлар эди. Кучли ёмғир туфайли қолдирилган учрашув — Австралия ва Дания ўсмирлари ўртасида-



ги ўйин ниҳоясига етиб, 1:1 ҳисоби қайд этилди. Битта ўйинчи кам бўлиб ўйнаганига қарамасдан «кенгурулар» ҳисобни тенглаштиришга эришдилар ва дарияликларни мусобақадан чиқариб юборишди.

Шундай қилиб, эртага тунги соат 01:00 да ёшларимиз австралияликларга қарши майдонга чиқишадди. Яна бир маълумот (суратда), ўсмирларимиз чорак финалга йўл олгани муносабати билан Мексикада ўзбекча ош пиширилди.

#### Дэвид Хэй:

#### «Кличко боксчи эмас!»

Англиялик ўта оғир вазндаги боксчи Дэвид Хэй чемпион Владимир Кличко билан бўлиб ўтадиган жанг олдида рақибини танқид қилди.

— Тушунмайман, нима учун Владимирни кўпчилик мактайтиди? У боксчи эмас, балки



тадбиркордир. Бу жангни белгилаш учун биз икки йил вақт йўқотдик. Музокара чоғида Кличко ҳар хил найранглари ишга солди, лекин мен ҳаммасига рози бўлдим. Бу жанг мен учун керак. Рингда ким аслида ким экани аниқ бўлади, — дея Хэйнинг сўзидан иқтибос келтиради Boxingscene.com сайти.

Владимир Кличко ва Дэвид Хэй ўртасидаги жанг 2 июль куни бўлиб ўтади. Балки шу куни тўла эмас, қўлда кимнинг кучли эканини кўрамиз.

#### «Динамо»да

#### бош мураббий ўзгарди

Самарқанднинг «Динамо» жамоаси бош мураббийи Виктор Жалилов истеъфого чиқарилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг собиқ устози Аҳмад Убайдуллаев тайинланди.

Интернет манбалари асосида  
**Илхом ЖУМАНОВ** тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел./факс) 233-28-20  
Котибият: 237-21-82  
Муҳбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 10948. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5